

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2022 йил 23 сентябрь, № 208 (8270) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ



**Нурафшон шаҳрида 22 сентябрь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳлига чуқур ҳурматини билдириб, улар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлади.

— Ҳаммангиз тушунасиз, бугунги таҳликали замонда яшаш, ташқи сиёсатни ҳам, ички сиёсатни ҳам барқарор қилиб, жонажон Ватанимиз манфаатини таъминлаш, халқимизни рози қилиш осон эмас. Бунинг учун ҳар куни изланиб, бор имкониятларни тўлиқ ишга солиш керак. Тошкент қадимий вилоят, табиий бойликлари, саноати, еру суви бўйича катта вилоят. Мен одамлар билан кўп учрашаман, улар ўзгаришларни сезяпти, айтяпти. Лекин бу ҳаракатлар давом этармикан, янада яхши бўлармикан, деган савол ҳам бор. Шунинг учун халқ билан бирга, маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги корхоналар ва иш ўринларини кўпайтириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Тошкент вилояти ҳокими лавозимига Зойир Мирзаев номзодини тавсия этди.

З. Мирзаев 1968 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Кўп йиллар молия, иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритган. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига раҳбарлик қилган. Бош вазир ўринбосари сифатида мамлакатимизнинг агросаноат комплексини бошқарган. У 2021 йил ноябрь ойидан буён Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал очиқ мулоқот қилиб, унинг режаларини эшитишни таклиф этди. Зойир Мирзаев тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризмни риволантириш, инфратузилмани яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича таклифларини маълум қилди.

Президентимиз бу таклифларни маъқуллаб, ташкилий ва молиявий жиҳатлари бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари учун бу йил қўшимча равишда 200 миллиард сўм, келгуси йил учун яна 850 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланди. Бу соҳа паст ривожланган Пискент, Бўка, Бекобод ва Оққўрғон туманлари учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан бериладиган кафиллик миқдори кредитнинг 75 фоизигача оширилди, 2025 йилгача солиқ имтиёзлари берилди.

Тошкент вилоятининг саноат салоҳияти улкан. Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарлари йирик саноат марказларига айланмоқда. Саноат зоналари инфратузилмасини ривожлантириш учун 250 миллиард сўм, чарм-пойабзал ва текстиль лойиҳаларига 30 миллион доллар ажратилиши қайд этилди. Ангренда фарфор ва керамика кластери, Бекобод туманида чегараолди савдо зонасини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳудуднинг ер ва сув ресурслари ҳам кўп. Лекин маҳсулдорлик шунга яраша бўлмаяпти. Аслида ишни тўғри ташкил қилиб, мева-сабзавот экспортини 2 баравар ошириш, 120 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Шу мақсадда 9 минг гектарни деҳқон хўжаликларига тарқатиш, тоғолди ерларни ўзлаштириш, мева ва ток кўчатхоналари ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Тошкент, Паркент, Янгийўл ва Қибрай туманларида ишга тушириладиган логистика марказларига 50 миллион доллар, чорвачиликни ривожлантиришга 30 миллион доллар ажратилиши айтилди.

Тошкент вилоятида 1 минг 22 та маҳалла бор. Улардаги инфратузилма ўрганилганда 840 та маҳаллада ички йўллар, 579 тасида ичимлик ва оқова сув тармоғи, 589 тасида электр ва газ таъминоти, 396 тасида мактаб, боғча ва поликлиникани таъмирлаш кераклиги аниқланган. Давлатимиз раҳбари бу масалалар аҳоли турмуши сифати, болалар камолотида муҳимлигини таъкидлаб, мутасаддиларга топшириқлар берди.

Вилоятдаги яна бир салоҳиятли соҳа — туризм. Лекин сайёҳларнинг 80 фоизи Бўстонлиқ туманига боради. Бошқа туманларда шароит ва хизматлар паст даражада. Шу боис Паркент, Ангрен ва Оҳангароннинг тоғли жойларида туризм кластерлари ташкил этиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Нурафшонда университет очиш, кўп тармоқли тиббиёт маркази қуриш, таълим масканларини таъмирлаш вазифалари белгиланди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун 100 миллиард сўм субсидия ажратилиши, Зангиота туманида "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этилиши айтилди. "Менинг биринчи уйим" янги ипотека дастурини жорий этиш таклифи билдирилди.

Тақдимотдан сўнг вилоят Кенгаши депутатлари номзоднинг режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тошкент вилояти ҳокимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Зойир Мирзаев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз халқ вакиллари юксак ишонч билдирган ҳоким ўз фаолиятида адолат, ҳалоллик, фидойилик ва масъулиятни намоён этиб, Тошкент вилояти аҳлига астойдил хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БЎЛАЖАК ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР КУН ТАРТИБИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини таваллуд куни билан чин дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар туркман халқига эса фаровонлик тилади.

Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кенг қамровли кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалигида кооперацияни чуқурлаштириш, маданий-гуманитар алмашинув дастурини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитининг сермаҳсул натижалари юксак баҳоланди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти биродар Туркманистон Президенти ва халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилади.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедовнинг суҳбати самимий, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ИПОТЕКА КРЕДИТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 январдан бошлаб** дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия берилган фуқароларнинг уй-жойларни сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган **ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди.**

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадининг бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваридан ошмаган қисмига татбиқ этилади;

2023 йилдан бошлаб ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ва реконструкция қилинган мол-мулк унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз олти ой ичида бегоналаштирилганда, мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган даромадлар белгиланган тартибда солиққа тортилади.

3. **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб**, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## З.Т.МИРЗАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Зойир Тоирович Мирзаев** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги капитал қурилишда буюртмачи хизматлари (кейинги ўринларда — буюртмачи хизматлари) фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, қурилишда босқичма-босқич лойиҳа бошқаруви ёндашувига ўтиш, давлат объектлари қурилишини бошқаришга хусусий секторни кенг жалб қилишга имконият яратиш орқали қурилиш сифатини ошириш ҳамда қурилиш жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

2023 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги **ҳузуридаги буюртмачи хизматлари ва уларнинг ҳудудий филиалларини**, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги **ҳузуридаги буюртмачи хизматининг ҳудудий филиалларини** (кейинги ўринларда — тугатилаётган буюртмачи хизматлари) **тугатиш**;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ИПОТЕКА КРЕДИТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. 2021 йилда янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида берилган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин**.

5. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг халқаро молия ташкилотларидан Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган маблағлар ҳисобидан "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖга (кейинги ўринларда — Компания) тижорат банклари томонидан аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун 3 йил муддатга 12 фоиз ставкада ва фоиз тўловларини ҳар 6 ойда тўлаш шарти билан **300 миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин**.

Бунда Компания ресурсларни тижорат банкларига 1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда маржа қўллаган ҳолда жойлаштирсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари **йил якунига қадар**:

уй-жойларни сотиб олиш ва ипотека кредитларини расмийлаштириш жараёнларида фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида вилоятлар марказларида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ипотека марказларини ташкил этиш;

ипотека марказларида ҳудудда уй-жой қурилишини амалга ошираётган қурилиш-пудрат (девелопер) ташкилотларининг сотув офисларини, тижорат банкларининг банк бурчаги ва кассаларини ҳамда хусусий нотариал идораларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** аҳолига уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия ажратиш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек, ипотека кредити ажратиш тартибини соддалаштиришни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норқулов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобидан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган объектларнинг буюртмачиси сифатида тегишлича **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияларини** (кейинги ўринларда — инжиниринг компаниялари) белгилаш;

2023 йил 1 январга қадар инжиниринг компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини **давлат унитар корхонаси** шаклига ўзгартириш.

2. Белгилансинки:

инжиниринг компаниялари тугатилаётган буюртмачи хизматларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси республика ҳудудларида иссиқлик тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради.

3. Тугатилаётган буюртмачи хизматлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш **муддати 2022 йил этиб белгиланган объектлардаги қурилиш ишларини жорий йилнинг 1 декабрига** қадар тўлиқ якунлаб, фойдаланишга топширилишини таъминласин;

**жорий йил 1 декабрга қадар** объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш **муддати 2022 йил 1 декабрдан ўтадиган, жорий йилда фойдаланишга топшириш имкони бўлмайдиган ва келгуси йилларга ўтувчи объектларнинг** ҳудудий жойлашуви бўйича инжиниринг компанияларига топширилишини таъминласин;

объектларни инжиниринг компанияларига топширгунга қадар улар бўйича буюртмачи вазифасини бажариб борсин, молиялаштиришни амалга оширсин, тегишли ҳисоботларни қабул қилсин ва топширсин.

4. Буюртмачи хизматлари фаолиятини тугатиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятлар ва объектларни топшириш, инжиниринг компаниялари томонидан эса қабул қилиб олиш ишларига кўмаклашиш;

фойдаланишга топшириш ёки инжиниринг компаниясига ўтказишда муаммолари мавжуд ҳар бир объектни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

манфаатдор вазирлик ва идораларга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, коммунал, спорт ва бошқа соҳалар учун идоравий қурилиш нормаларини жорий этишда кўмаклашиш;

буюртмачи хизматлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳамда улар асосида тегишли қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тугатилаётган буюртмачи хизматларига тегишли бўлган бино-иншоотлар ва товар-моддий бойликлар уларнинг муассислари ёки инжиниринг компаниялари ихтиёрига ўтказилишини таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 1 январдан** бошлаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича:

буюртмачи хизматларининг бизнес-режаси уларнинг муассиси (вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

буюртмачи хизматлари раҳбарларига иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳамда фаолиятини яхшилаш мақсадида ички тузилмани ўзгартиришга ҳамда штатлар жадвалини кўриб чиқишга рухсат берилади;

заруратга кўра, буюртмачи хизматлари ўз вазифаларини сифатли бажариши учун, шу жумладан, объектларни лойиҳалаш учун техник шартларни мукаммал тайёрлаш мақсадида уларнинг сақлаш харажатлари доирасида илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқа ташкилотлар, хусусан хорижий компанияларни ҳамда юқори малакали ва малакали мутахассисларни жалб қилади;

буюртмачи хизматларининг директори ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда муассиснинг қарори билан амалга оширилади;

буюртмачи хизматларининг директори корхона фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда муассис ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ҳисобот беради;

буюртмачи хизматларининг фаолияти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бош бошқармаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига **14 та штат** бирлигидан иборат **Буюртмачи хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш департаменти** ташкил этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **икки ой муддатда** буюртмачи хизматларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, зарур давлат ахборот тизимлари ва ресурсларига улаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

а) **икки ой муддатда**:

инжиниринг компанияларига малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

лойиҳа ҳужжатлари ва қурилиш ишлари сифатини ошириш ҳамда замонавий лойиҳа бошқаруви тизимини яратиш мақсадида инжиниринг компанияларининг штат жадвалига **"лойиҳа бошқаруви бўйича мутахассис"**, **"лойиҳа архитектори"**, **"лойиҳа муҳандиси"** лавозимларини киритсин;

инжиниринг компанияларини қурилиш жараёнини бошқариш, иш ҳажми ҳисобини юритиш, харажатларни назорат қилиш, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини мувофиқлаштириш, қурилиш ҳужжатлари билан ишлашга мўлжалланган махсус дастурий таъминот ва сервер ускуналари билан таъминласин;

б) доимий равишда инжиниринг компаниялари ходимларининг малакасини ошириб борсин ва уларнинг амалий стажировкаларини тизимли йўлга қўйсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **2022 йил 1 декабрга қадар** Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

қурилишда буюртмачи хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдорларини лойиҳани бошқариш ва техник назоратни амалга ошириш харажатлари бўйича нормативларни алоҳида-алоҳида ҳисоблаган ҳолда тасдиқлаш;

буюртмачи хизмати тузилмасини объектлар сони, ҳажми ва қийматига қараб унинг директори томонидан белгилаш.

Белгилансинки, лойиҳа (объект)нинг қиймати ёки капитал қўйилмалар лимитларини мақбуллаштиришда **буюртмачи хизматига тўланадиган хизмат ҳақини камайтириш тақиқланади**.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда буюртмачи хизматлари ходимлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш бўйича низомни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. **Ҳар бир ҳудудда** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган, қиймати **10 миллиард** сўмдан юқори бўлган, қурилиш ва (ёки) реконструкция қилиш ишлари **2023 йил 1 январдан** бошланадиган камида **10** та объектда **лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда консалтинг хизматлари, лойиҳа бошқаруви хизматлари ҳамда техник назорат хизматларини кўрсатиш** давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ танлаб олинадиган **тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий ташкилотлар томонидан амалга оширилиши** тартиби жорий қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қиймати **10 миллиард** сўмдан юқори бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилишда аутсорсинг асосида **тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқласин**.

Қурилиш вазирлиги:

**2023 йил 1 апрелга қадар** "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида **техник назорат ишларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини баҳолаш платформасини** жорий қилсин. Бунда рейтинг платформаси учун лойиҳалардаги мақбуллаштириш, қурилиш муддатини қисқартириш, сифатини ошириш, хавфсизлигини таъминлаш мезонлари асос қилиб олинсин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган техник назорат ишларининг самарадорлигини назорат қилсин ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни доимий равишда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

буюртмачи хизматлари техник топшириқлар ҳамда унга қўйиладиган функционал ва эксплуатация талабларини **идоравий қурилиш нормаларига асосан ишлаб чиқади** ва эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишади;

буюртмачи хизматларига техник топшириқ, эскиз лойиҳаси, унга қўйиладиган функционал ва эксплуатация талабларини ишлаб чиқишни аутсорсинг шартномалари асосида **тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда амалга ошириш ваколати берилади**;

буюртмачи хизматлари томонидан лойиҳа ташкилотини танлаш учун харид қилиш ҳужжатларига **қурилиш объектининг эскиз лойиҳаси** ҳамда унга қўйиладиган минимал функционал ва эксплуатация талаблари киритилиши шарт;

б) **2023 йил 1 январдан бошлаб** оммавий аҳамиятга эга **ноёб ва алоҳида муҳим объектларнинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун** буюртмачи хизмати томонидан **архитектура танловини ўтказиш бўйича мажбурий тартиб белгиланади**.

Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда **оммавий аҳамиятга эга ноёб ва алоҳида муҳим объектлар учун буюртмачи хизмати томонидан архитектура танловини ўтказиш тартибини** тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда архитектура танловининг ҳакамлар ҳайъатини шакллантириш тартиби, иштирокчиларни баҳолаш мезонлари, мукофот жамғармаси, танловни ўтказиш муддатлари ва танловни ёритиш тартиби назарда тутилсин;

в) **2023 йил 1 мартдан бошлаб** марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг смета қийматини аниқлаш Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг **маълумотлар базаларини интеграция қилган ҳолда**, Қурилиш вазирлиги томонидан жорий этиладиган **"Қурилиш ресурслари миллий классификатори" электрон платформаси асосида амалга оширилади**.

10. Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Спортни ривожлантириш вазирлиги:

бино ва иншоотларга қўйиладиган минимал функционал ва эксплуатация талабларини, шу жумладан, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва ушбу объектлардан фойдаланиш харажатларини оптималлаштиришга доир талабларни, идоравий қурилиш нормаларини Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаб борсин;

объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларнинг идоравий қурилиш нормаларига мувофиқлигини назорат қилсин.

Мазкур бандда кўрсатилган вазирликларга инжиниринг компаниялари, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, тасарруфидаги объектларда олиб борилаётган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича ўрганиш ўтказиб, инжиниринг компанияларига идоравий қурилиш нормаларига асосланган таклиф ва мулоҳазаларни билдириш ҳуқуқи берилсин.

11. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази ва Қурилишда стандартлаштириш республика маркази негизида давлат муассасаси шаклида **Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда:

Институт фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Институтга малакали раҳбар ҳамда маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилсин;

тугатилаётган Қурилишда техник меъёрлаш марказининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган штат бирликларини Қурилиш вазирлигининг марказий аппаратига ўтказсин ҳамда вазирликнинг таркибий тузилмасини такомиллаштирсин.

12. **2023 йил 1 январдан** бошлаб қуйидаги амалиётлар "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали амалга оширилади:

инвестиция ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритиладиган объектларнинг манзилли рўйхатини ҳар бир лойиҳага идентификация рақами бериш орқали электрон тарзда шакллантириш ва тасдиқлаш (давлат сирини ташкил этувчи махфийлик даражасига эга объектлар бундан мустасно);

қурилиш жараёнида йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан муаллифлик ва техник назорат бўйича мутахассислар томонидан пудрат ташкилотига кўрсатма бериш ҳамда унинг ижроси юзасидан назорат ўрнатиш.

13. Молия вазирлиги:

тугатилаётган буюртмачи хизматларининг 2022 йил учун харажатлар сметасини белгиланган тартибда қайта рўйхатга олсин. Бунда ишдан бўшаётган ходимлар учун компенсация тўловлари назарда тутилсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** инжиниринг компаниялари буюртмачилигида амалга оширилаётган қурилиш жараёнини молиялаштиришни режалаштириш ва пудратчи ташкилотлар олдидаги мавжуд кредитор қарздорликни сўндириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мақбуллаштириш натижасида ишдан бўшайдиган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

14. Буюртмачи хизматлари фаолиятини тугатиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи:

**уч ой муддатда** вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган буюртмачи хизматларини босқичма-босқич тугатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

**2022 йил 1 декабрга қадар** Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда тугатилаётган буюртмачи хизматларига тегишли бино ва иншоотлар, товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда хатловдан ўтказсин ҳамда мазкур мулклардан самарали фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Қурилиш вазирлиги:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

**жорий йил якунига** қадар Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва бошқа олий таълим муассасаларини жалб қилган ҳолда қурилиш соҳасида лойиҳаларни бошқариш ва техник назоратни амалга ошириш бўйича ривожланган давлатлардаги таълим стандартлари ва дастурларига асосан лойиҳаларни бошқарувчи ва техник назорат бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишга оид ўқув дастурларининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

техник назорат бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-амалиёт жараёнини самарали ташкил этиб, буюртмачи хизмати мутахассисларининг малакасини доимий тарзда ошириб бориш тизимини жорий этсин;

б) **2023 йил 1 июлга қадар** фуқаролар учун геолокацияси кўрсатилган ҳолда, қурилиш ишларини олиб бориш учун берилган барча рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шу жумладан, қурилиш назоратини олиб боришда чиқарилган хулосалар билан танишиш имконини берувчи очиқ электрон тизим яратсин;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қурилиш вазири Б.И.Закиров ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари А.М.Бобоев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

# МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ – РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

*Тараққиётнинг бугунги босқичи мураккаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнларга бойлиги билан характерланади. Бундай шароитда давлатларнинг ягона мақсад ва манфаатлар йўлида бирлашуви, бирдамликда ҳаракат қилиши ниҳоятда долзарб.*

*Шу боис ҳам сўнгги йилларда Ўзбекистон дунё миқёсида кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлидан дадил одимламоқда. Бу борада Президентимизнинг Ватанимиз ва халқимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда юритаётган оқилона ташқи сиёсати муҳим аҳамият касб этаётир.*




## Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистоннинг бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар сингари Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётгани ҳам барчага аён.

Самарқанд саммити арафасида давлатимиз раҳбарининг бу анжуманни ўтказишнинг аҳамияти, Ўзбекистон ташкилотга раислик даврида амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар, ШҲТни истиқболда кенг миқёсда ривожлантириш учун эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар, бугунги хавф-хатарларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш зарур эканлигини ўзида ифода этувчи “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли тарихий мақоласи дунё давлатларининг кўплаб нуфузли нашрларида эълон қилинди.

Шу ўринда, табиий савол туғилиши, шубҳасиз. Хўш, мазкур мақолани эълон қилишдан кўзланган мақсад нима эди?

Ушбу саволга жавоб берганда, аввало, мақоланинг тарихий ва сиёсий аҳамиятига эътибор қаратиш ўринлидир. Яъни у пандемиядан кейинги иқтисодий тикланиш даврининг нозик вақтида — халқаро иқтисодий ҳамкорлик замоннинг янги талаблари асосида қайтадан шакллантирилаётган паллада эълон қилинганлигини айтиш зарур.

Сиёсий аҳамияти шундаки, мақолада саммитнинг олдингиларидан фарқли жиҳатларига урғу берилгани ҳолда, ШҲТ дунёнинг сиёсий жиҳатдан бирлашган, якдил мақсадлар сари биргаликда одимлайдиган ташкилот экани, истиқболда унинг келажаги порлоқ бўлиши барча аъзо давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларига боғлиқлиги ва бу жараён муқаддас замин — афсонавий Самарқандда яна бир бор эътироф этилишига эътибор қаратилганлиги билан характерланади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз мақоласида ушбу саммит нега айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганлигига ҳам эътибор қаратган ҳолда қуйидаги тарихий фактларни келтириб ўтганлигини айтиш жоиз.

Аввало, Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли марказида жойлашган бўлиб, у бежиз “цивилизациялар бешиги” деб аталмайди. Шу маънода, минтақа ва дунёда савдо-сотиқ, маданий ва маърифий ҳамкорлик ҳамда дипломатик мулоқотлар ривожида бу шаҳар, ҳақиқатан ҳам, “бешик” бўлиши, шубҳасиз.

Қолаверса, Ер шари тўрт қутбини бир ерда туташтирган Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит, бўлинмас бўлиб кўринади.

Шунингдек, “Самарқанд руҳи” бундан 21 йил аввал янги ташкилотни яратишга туртки берган “Шанхай руҳи”-га уйғунлиги билан диққатга сазовор

### Тарихий воқеаларга бой анжуман

Самарқанд саммити глобаллашув даврида нафақат аъзо мамлакатлар, балки дунё миқёсида халқаро ҳамкорликнинг янги консолидацияси бўлди, десак, муболаға эмас.

**Ушбу саммит олдингиларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилди:**

- унда 14 та давлат раҳбарлари иштирок этди;
- БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш бўйича ўринбосари Розмари ДиКарлони қатнашди;
- саммит доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ҳамда Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий юртимизга давлат ва расмий ташриф билан келди.
- ШҲТ тараққиётига хизмат қилувчи аниқ мақсад ва манфаатларни ўзида мужассам этган 44 та тарихий ҳужжат имзоланди;
- Президентимизнинг саммитда иштирок этган барча давлат раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлари ва музокаралари ташкил этилди. Уларда юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи икки томонлама келишувларга эришилди, кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида олий даражадаги ташриф доирасида 15 та ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзоланди;
- учрашувлар унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Россиянинг Александр Невский ордени билан тақдирланди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик ордени” тантанали равишда топширилди;
- саммитда Эрон Ислом Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ҳамда Миср Араб Республикаси ва Қатар давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзоланди;
- Беларусь Республикасига ШҲТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига — мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш юзасидан процедураларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди;
- “ШҲТнинг эзгу ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

### Янги Ўзбекистоннинг янги ташаббуслари

Давлатимиз раҳбари ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида 20 дан ортиқ муҳим ташаббусларни илгари сурди.

**Улар қуйидагилардан иборат:**

- ШҲТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиқлигини сақлаб қолиш;
- “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш;
- ташкилотни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш ишларини бошлаш;
- Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш;
- аъзо мамлакатлар махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш;
- ҳар йили тузилманинг йирик савдо ярмаркасини ўтказишни, унинг асосида ягона электрон платформани яратиш;
- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш;
- Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини очиш;
- Иқлим кенгашини тузиш;
- ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиш;
- кибержиноятчиликка қарши курашишга оид қўшма платформа яратиш;
- 2023 йилни “ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилиш.

Шунингдек, яна қатор ташаббуслар илгари сурилдики, уларнинг барчаси нафақат Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ёки унинг маконидаги давлатлар, балки бутун дунё ривожига йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

### Самарқанд декларацияси ва миллий парламентимиз

Сир эмас, Самарқанд саммитида қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш парламент, депутатлар ва сенаторлардан катта масъулият талаб этади.

Биринчи ўринда ШҲТ аъзо давлатлари парламентлараро алоқаларини йўлга қўйиш механизмини ишлаб чиқиш лозим. Олий Мажлис палаталари ва ШҲТга аъзо давлатлар парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини янада фаоллаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, Самарқанд декларацияси ва бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан, ШҲТга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича концепцияси, ўзаро ҳисоб-китобларида миллий валюталар улушини босқичма-босқич оширишни назарда тутувчи “Йўл харитаси”, иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари, ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш занжирларини, глобал озиқ-овқат хавфсизлигини, энергетик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги баёнотлар асосида амалдаги қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш зарур.

ШҲТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида ўсимликлар карантини, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, сунъий интеллектни ривожлантириш йўналишларидаги ҳамкорлик дастурлари ҳамда телемедицина соҳасидаги шериклик концепциясини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ҳам кун тартибида турибди.

Ўз навбатида, ШҲТга аъзо давлатлар парламентлари ўртасида норма ижодкорлиги, ҳуқуқий ёрдам, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, миллий қонунчилик нормаларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий ахборот алмашиш учун онлайн-платформа яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш айни заруратдир.

### «Ақлий марказлар» фаол бўлиши лозим

Саммитда қабул қилинган 44 та ҳужжат ҳамда давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари ва музокараларида келишилган ишлар ва вазифаларни рўёбга чиқаришда “ақлий марказлар”нинг ўрни қандай бўлиши керак?

Маълумки, бугун Ўзбекистонда 20 га яқин турли соҳа ва йўналишларда “ақлий марказлар” фаолият олиб бормоқда. Улар орасида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг алоҳида ўрни бор, десак, муболаға бўлмайди.

**Ушбу институт томонидан ШҲТнинг Самарқанд саммити натижаларига эришиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:**

- Олий Мажлис палаталарига илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан энг яқин кўмакчи бўлиш;
- ШҲТга аъзо давлатлар парламентлари ҳақида маълумотларни қамраб олган илмий-амалий тўпламни тайёрлаш ва парламентарийларга етказиш;
- саммитда муҳокама қилинган муҳим соҳаларга тааллуқли қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш;
- Президентимизнинг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида илгари сурилган муҳим масалалардан келиб чиққан ҳолда, тегишли тадқиқотлар ўтказиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқиш, туризмга доир миллий қонунчиликни халқаро талаблар асосида хатловдан ўтказиш, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича ўрта муддатга мўлжалланган қўшма фундаментал илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда саммит натижаларининг юртимиз ва халқимиз тақдири учун аҳамиятга эга бўлган муҳим жиҳатлари, унда илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг жамоатчилик иштирокида тарғибот тадбирларини ташкил этиш сингари вазифалар режа қилиб олинмоқда.

Умуман, Самарқанд саммити тарихий ҳужжатлар ва келишувларга бой бўлди. Эндиги вазифа уларда кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборатдир. Бу эса парламент вакиллари, илмий марказлар ходимлари, умуман, бутун жамоатчиликдан катта масъулият талаб этади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси,**

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор.**

# «ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО»ДА «МЕН ХИВАНИ КЎРИШ УЧУН БИР ҚОП ОЛТИН БЕРИШГА ТАЙЁРМАН» ДЕГАН ИБОРА ҚЎЛЛАНДИ



*Хитойнинг «Жэньминь жибао» етакчи газетасининг интернет тармоғидаги веб-саҳифасида «Нима учун қадимий Хива ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг эътиборини тортди?» сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

## Биз ва дунё

«Хитой Раиси Си Цзиньпин 14 — 16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Хитой томони Ўзбекистонга тақдим этган миллий совғалар орасида қадимий Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликлардан бирининг миниатюра модели мавжуд бўлиб, ушбу маданий иншоот Хитой билан ҳамкорликда таъмирланган», дея ёзилади нашр сайтида.

«Жэньминь жибао»да алоҳида таъкидланганидек, қадимий Хиванинг тарихий ёдгорликларини сақлаш ва тиклаш лойиҳаси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Си Цзиньпиннинг мақоласида ҳам қайд этилган.

Марказий Осиё халқларида «Мен Хивани кўриш учун бир қоп олтин беришга тайёрман» деган ибора бор. Бу Буюк Ипак йўлидаги қадимий шаҳарнинг нечоғли кўҳналигидан далолат беради.

Таъкидланишича, бугунги кунга келиб Ўзбекистон ва Хитой маданий ёдгорликларини ҳимоя қилиш бўйича усталарнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Амир Темур мақбараси ва Ҳасан Мурод Қушбеги масжидининг тарихий қиёфаси қайта тикланди.

«Қадимий Хива шаҳрини археологик тиклаш лойиҳаси қалъа ичидаги тураржойларда ҳам амалга оширилди, бу нафақат қадимий шаҳарни муҳофаза қилишга ҳисса қўшди, балки маҳаллий аҳолининг яшаш шароитларини ҳам яхшилади», деб ёзилади «Жэньминь жибао»да.

**«Дунё» АА.**
Пекин

## Эшитув

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА РУХСАТСИЗ ТЕКШИРИШЛАР ЎТКАЗИЛГАН

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Давлат солиқ қўмитасининг ахбороти эшитилди. Унда қўмита тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар (Бухоро ва Наманган вилоятлари мисолида) тўғрисида ахборот берилди.*

Таъкидланганидек, кейинги йилларда коррупциявий жиноятлар содир этилишининг барвақт олдини олиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари, “Telegram” ботлари ҳамда “Ишонч телефони” ташкил этилиб, улар орқали келиб тушаётган ҳар бир мурожаат белгиланган тартибда ўрганиб чиқилган.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан тизимдаги вакант лавозимларнинг ягона очиқ портали дастурий-аппарат комплекси (vacancy.argos.uz) сайтида эълон жойлаштириш орқали ишга қабул қилиш механизми йўлга қўйилган.

Эшитув давомида депутатлар соҳада амалга оширилган салмоқли ишларни юқори баҳолаб, тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш борасида ўз ечимини кутиб турган масалалар борлигини таъкидлади.

Хусусан, Бухоро вилояти солиқ идоралари ходимлари томонидан 9 та ҳолатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилган. Шунингдек, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига зид равишда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган бир қатор тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ аудити ўтказилган.

2020-2021 йиллар ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида эса давлат солиқ хизмати органлари ходимларидан 97 нафари коррупциявий жиноятлар содир қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Эшитув чоғида қўмита аъзолари томонидан ушбу масалалар юзасидан мутасаддилардан изоҳ сўралди ва бир қатор саволлар ўртага ташланиб, уларга атрофлича жавоблар олинди.

Якунда Давлат солиқ қўмитаси тизимида қонунчилик ҳужжатларидаги коррупцияга шароит яратувчи нормаларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик ва аҳоли билан доимий қайта алоқа мезонларини йўлга қўйиш, тизимда шахсий хавфсизлик тузилмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, соҳада коррупциянинг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўриш бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Акс садо

# УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК, БИРДАМЛИК ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

*Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси мамлакатимиз янги тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйишга арзигулик дунёвий воқеа бўлди.*

Аввало, Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги қизғинлиги, мазмундорлиги ва натижага қаратилгани билан ажралиб турди, десак, айни ҳақиқатдир. Айниқса, саммит доирасида 44 та ҳужжат — битим, концепция, дастур ва бошқа қарорлар қабул қилингани унинг нуфузини янада оширди.



Иштирокчи давлатларнинг энг муҳим минтақавий ҳамда глобал муаммолар бўйича мужассамлашган позицияларини акс эттирувчи Самарқанд декларацияси саммитнинг асосий якуний ҳужжати бўлди. У минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва маромли иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувларни белгилаб берди.

Мазкур декларация аъзо давлатларнинг ташкилот келажаги йўлида минтақавий долзарб масалаларни биргаликда ҳал этишдаги ёндашувларини акс эттиради. Сабаби, Самарқанд декларациясида Жаҳон савдо ташкилоти билан самарадор ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадлари кўзда тутилган. Бу ташкилотга аъзоликнинг қатор афзалликлари, имтиёзлари бор.

Мамлакатимиз ҳар доим Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Афғонистондаги вазиятни ҳал этишда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб келади. Аслида ҳам, ШҲТ минтақаси хавфсизлиги ва иқтисодий фаровонлиги ушбу мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик билан узвий боғлиқ. Ташкилот ўзига хос тузилма бўлиб, унда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришдан манфаатдор бўлган деярли барча мамлакатлар, яъни Марказий Осиё давлатлари, Хитой, Россия, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия (мулоқот бўйича ҳамкор) вакиллари иштирок этади.

Демак, ШҲТ салоҳияти Афғонистоннинг иқтисодиётини тиклаш, бу мамлакатда узоқ муддатли ва барқарор тинчлик ўрнатишга салмоқли ҳисса қўшиш учун етарли. Қолаверса, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва осойишталикни биргаликда таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, ташкилотнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашишдаги фаол иштироки унинг салоҳиятини янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШҲТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим... Афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим”.

Яна бир муҳим масала. Ҳозирда Афғонистон мисли кўрилмаган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонга кўмак миссияси маълумотларига кўра, 2022 йилда гуманитар ёрдамга муҳтож афғонлар сони 24,4 миллион кишига етган. 2021 йил билан таққослаганда, бу мамлакат аҳолисининг 59 фоизини ташкил қилмоқда. Агар шошилинч чоралар кўрилмаса, Афғонистон жорий йил охирида умумий қашшоқлик чегарасидан пастга тушиши, яъни аҳолининг 97 фоизи қашшоқликка юз тутиши башорат қилинмоқда.

Шу муносабат билан Термиз шаҳридаги транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғарма таъсис этиш таклиф қилинди. Жамғарма маблағлари ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилишига келишилди.

Ишонамизки, ушбу жамғарма имкониятларидан самарали фойдаланилса, қўшни афғон халқини очлик ва қашшоқликдан асраб қолишда асосий омил бўлади.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ШҲТ РАВНАҚИГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

*Кейинги йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти улкан имкониятларга эга бўлган, халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган нуфузли тузилмага айланди.*

Халқаро жамоатчилик ШҲТ саммити ишини диққат билан кузатаркан, ташкилотнинг ғоят қисқа давр ичида мустаҳкам оёққа туриб олганига, дунёда юз бераётган воқеаларга фаол муносабати, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўлига ишонч ҳосил қилмоқда.

Дастлаб “Шанхай бешлиги” номи билан таъсис этилган тузилма 2001 йилда Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиб кириши билан “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” номини олди. Бу тузилма “Шанхай руҳи” негизида ташкил қилинган бўлиб, ушбу тамойил ўзаро ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилмахилликни ҳурматлаш, умумий тараққиётга интилиш каби асосий қоидаларни ўзида мужассам этади.

Бугун ташкилот унга аъзо давлатлар билан биргаликда ўзаро дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, шунингдек, хавфсизлик, энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа устувор соҳалардаги самарали ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан илдам бормоқда.

Ўтган 21 йил мобайнида минтақавий ва халқаро вазиятда кескин ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда ШҲТ ўзини кўп томонлама шерикликнинг таъсирчан механизми сифатида намоён эта олди. Қисқа даврда ташкилот салмоқли шартномавий-ҳуқуқий базага эга бўлди, институционал жиҳатдан тўлақонли тузилма сифатида шаклланди.



Айниқса, ШҲТ доирасида барча қарорларнинг консенсус асосида қабул қилиниши тамойили ҳам “Шанхай руҳи”нинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Ушбу тамойил ташкилотнинг қолган аъзоларига жаҳоннинг қудратли куч марказлари ҳисобланган Хитой, Россия, Ҳиндистон билан бир қаторда, ШҲТ устувор йўналишларини белгилашда фаол ва тенг ҳуқуқли иштирок этиш имконини беради.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ана шундай нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида у билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Ва айтиш мумкинки, ШҲТ билан алоқаларнинг ривожланиши мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг матбуотда эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласини ўқиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг сўнгги йилларда ШҲТ доирасидаги фаолиятида ташаббускорлик ва прагматизм тамойиллари устувор бўлиб бораётир. Миллий манфаатларимизга жавоб берадиган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича илгари сурилган барча таклиф ва ташаббуслар минтақадаги барқарорлик ҳамда шерикликни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади. Зеро, кейинги йилларда Ўзбекистон ШҲТ доирасида янги ҳамкорлик платформаларини ишга тушириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Кўҳна Самарқандда бўлиб ўтган ШҲТнинг навбатдаги саммити эса тарихий қарорлар қабул қилинган майдон бўлди. Анжуманда Президентимиз томонидан аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, ШҲТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш таклифи узоқни ўйлаб илгари сурилган муҳим ташаббус, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, Самарқанд саммитининг муваффақияти айни жабҳада Ўзбекистон наинки ташаббускор, балки ўрнак-намуна кўрсатаётгани билан асосланади. Анжуман доирасида қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар, шубҳасиз, азалий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

**Абдумалик АКРОМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Сенаторлар — ҳудудларда

*Хабар қилинганидек, шу кунларда сенаторлар ҳудудларда бўлиб аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Айни жараёнда Олий Мажлис Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишидан ташқари, тегишли ҳужжатлар ижроси ўрганилмоқда ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.*

### ЯЙЛОВЛАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б. Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан ўтказилаётган ўрганишлар давомида Самарқанд вилоятининг Нуробод, Қўшработ, Пахтачи туманларидаги яйловлар, чўл ҳудудлари ва озуқабоп ўсимликлар уруғчилик майдонлари ҳолати ўрганилди.

Ўз навбатида, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар билан яйловларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш, деградацияга учраган ерларни аниқлаш ва уларнинг харитасини тузиш бўйича амалга оширилган ишлар, тадқиқотларнинг яйловлар ҳолатини яхшилашга таъсири юзасидан фикр алмашилди.

Қайд этилишича, вилоятда 2022 — 2025 йилларда 117,6 минг гектар майдонда гумус миқдорини ошириш, 6,3 минг гектарда шўрланишни камайтириш, 94,8 минг гектар деградацияга учраган яйлов ҳажмини камайтириш, 2 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларида иҳотазорлар барпо этиш, 22 минг гектар ўрмон билан қопланган минтақаларни кенгайтириш режалари ишлаб чиқилган. Шу асосда ишчи гуруҳ томонидан яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланишни такомиллаштириш, деградация жараёнларининг олдини олиш учун яйловларни сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш, яйловлар биохилмахиллигини баҳолаш ва иқлим ўзгаришига таъсири таҳлил қилиб чиқилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ўрганиш натижалари қўмита мажлисида муҳокамадан ўтказилиши режалаштирилган.

Ишчи гуруҳнинг Самарқанд вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

### ИШСИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Қашқадарё вилоятидаги ўрганишлари давомида ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва улар фаолият юритадиган ҳунармандчилик турларига ихтисослаштирилган кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш, аёллар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар ҳолати чуқур ўрганилди.

Шу жараёнда "Машъал" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Ишга марҳамат" мономарказида касб-ҳунарга ўқитилаётган хотин-қизлар иштирокида суҳбат ўтказилди. Ва мазкур курсларни битирганларнинг иш билан нечоғли таъминлангани таҳлил қилинди. Ишчи гуруҳ томонидан бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Ўз навбатида, ишчи гуруҳ тумандаги ўрганиш ишларини маҳаллаларда давом эттирди. Хусусан, ишсизлик юқори бўлган Қуйибоғ маҳалласи масъуллари билан мулоқот ўтказилди.

Унда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан маҳалладаги ҳар бир хотин-қиз ва оила муаммолари "Муаммоли платформа"га киритилиши айтилди. Унда шакллантирилган ёшлар, аёллар ва ишсизлар балансининг ҳаққонийлиги, маҳалладаги хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва улар билан жамоатчилик асосида ишлашда нималарга аҳамият қаратилиши кераклиги юзасидан таклиф ва кўрсатмалар берилди.

### МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизнинг Бектемир тумани ҳокимлигида Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров иштирокида бўлиб ўтган учрашувда парламент юқори палатасининг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан атрофлича тушунтириш берилди.

Ўз навбатида, давлат органлари ва ташкилотларида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати қандай эканлиги юзасидан ҳам маълумот келтириб ўтилди.

Шундан сўнг туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2022 йил январь — август ойларида амалга оширган ишлари тўғрисида ахбороти тингланди. Аҳолини ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, жамоат ишларига жалб этиш, субсидиялар ажратиш ҳамда ишсизлик нафақасини тайинлаш ҳолатлари танқидий муҳокама қилинди.

Учрашув давомида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, депутатлар, мутасаддилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, тегишли таклифлар олинди.

Якунда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ва янги иш ўринлари яратиш масаласини Кенгаш сессиясида муҳокамадан ўтказишга келишиб олинди.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛ МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлиб турибди.

Мазкур стратегия Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган бўлиб, унинг доирасида тармоқ ва ҳудудлар кесимида рақамли трансформация дастурлари қабул қилинган.

Қўмита ишчи гуруҳи томонидан стратегия доирасида республика ва ҳудудлар даражасида кўрилган чораларга баҳо бериш, хусусан, унинг доирасида ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши лозим бўлган ахборот тизимлари ҳолати, уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун етарли норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги ҳамда молиялаштириш ҳолати каби масалалар ўрганилаётир.

Айтиш жоизки, ўрганиш натижалари қўмитада кенг муҳокама қилиниб, унинг якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилиниши режалаштирилган.

### ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎРИЛГАН МАСАЛАЛАР МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Анвар Тўйчиев Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида бўлиб турибди.

Куни кеча сенатор туманнинг Боғистон маҳалласида сайловчилар билан учрашди.

Унда Сенатнинг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар, Президент қарор ва фармонлари ҳамда Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида илгари сурилган ташаббуслар ва қабул қилинган ҳужжатлар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида маҳалладаги муаммоли масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

### МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуджон Парпиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилояти Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармасида бўлиб, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганиш жараёнида бандлик масаласи, шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларга ечим топиш чоралари хусусида фикрлашилди.

Асосийси, бу жараёнда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

**«Халқ сўзи».**

## МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛДИ




*Пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

### Хушхабар

Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, олимлар, фан арбоблари, маҳалла фаоллари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғулистон касаба уюшмалари миллий марказлари раҳбарлари, Миср Араб Республикасининг Коммунал ва газ ташкилотлари касаба уюшмалари делегацияси вакиллари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Фанлар академияси Математика институти директори Шавкат Аюпов, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ва бошқалар сўзга чиқиб, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда барча соҳалар қатори, олий таълим тизимида ҳам кенг ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2021 йил 23 августдаги тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур академия, асосан, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаб бериши билан ғоятда аҳамиятлидир. Қолаверса, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, соҳага оид муаммоларни илмий ҳамда амалий жиҳатдан ҳал этиш ҳам унинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

— Таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратиш, талабалар ва ёш мутахассисларни жалб қилган ҳолда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, таълим тизимига етакчи хорижий таълим ташкилотлари тажрибасини жорий қилиш ҳам асосий мақсадларимиздан бири, — дейди Касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ректори Сайфулла Аҳмедов. — Биласизми, мазкур таълим муассасасининг ташкил этилиши жараёнида, аввало, меҳнат бозори пухта ўрганилди ва меҳнат ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳаси учун қандай кадрларга эҳтиёж юқори экани таҳлил этилди. Бу эса кўзланган мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутади.



Таъкидланганидек, академияда ўқиш истагида бўлган 1200 нафарга яқин талабгорлар ҳужжат топширган. Улардан 250 нафарга яқини ўқишга қабул қилинди. Бугунги кунда академиянинг педагогик таркиби шакллантирилган. Бу ерда меҳнат ва ижтимоий муносабатларнинг етти йўналиши бўйича мутахассис тайёрлашга илмий асосланган ва марказлашган ҳолда эътибор қаратилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Академияда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга, шунингдек, илмий-амалий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Италия (Халқаро меҳнат ташкилоти ҳузуридаги Турин ўқув маркази), бошқа институтлар, тегишли миллий ва халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ҳамкорлик, шунингдек, ушбу соҳаларда бошқа давлатлар билан тажриба алмашиш ўқув фаолиятини, комплекс ўқув лойиҳаларини, маслаҳат хизматларини, ўқув материалларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Қувонарлиси, таълим муассасасида талабаларга барча имконият яратилган. Таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Ташриф буюрувчиларда, айниқса, электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхона ва буфетлардаги имкониятлар катта таассурот қолдирди.

Таълим жараёнининг автоматлаштирилган "Платформа" мажмуаси жорий этилганлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, талабалар учун ўқув биносида бепул wi-fi тармоғи, кутубхонанинг ўқув ва электрон заллари мавжуд бўлиб, электрон кутубхонадан масофавий ҳолда фойдаланиш мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

Қисқаси, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида очилган мазкур академия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар, ҳамюртларимизнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш борасидаги амалий ишларни янги босқичга олиб чиқади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон — Франция:

## ЎЗАРО ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Орелия Бушез билан учрашди.*

### Учрашув

Мулоқот аввалида А. Саидов меҳмонларга конституциявий ислоҳотлар юзасидан атрофлича маълумот берди. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, ҳалқпарвар давлатни барпо этиш, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари ва манфаатларини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар, мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш зарурати ҳақида батафсил тўхталди.

Ўз навбатида, О. Бушез Қонунчилик палатасининг раҳбариятига учрашув учун ўз миннатдорлигини билдирар экан, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги барқарор ривожланишида парламентнинг фаолияти катта аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

У мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуслари натижаси — мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи янада юқори даражага кўтарилаётганлигини Францияда катта қизиқиш билан кузатишаётганини эътироф этди.

Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигида нафақат иқтисодий, сиёсий, дипломатик ҳамда бошқа соҳа ва йўналишлардаги барқарор алоқалар, балки икки мамлакат раҳбарларининг дўстона муносабатлари алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

О. Бужез учрашувнинг асосий кун тартиби — Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги доирасида ўтказиладиган тадбирларга ўз мамлакатида катта аҳамият берилаётганлигини таъкидлади.

Суҳбат якунида томонлар нафақат парламентлараро, балки бошқа соҳа ва йўналишларни янада ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашиш орқали тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров Жаҳон банки вакили Даниэла Фелкман билан учрашди.*

### Мулоқот

Унда Жаҳон банки билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қонун лойиҳаларида коррупцион омилларга йўл қўймаслик борасидаги амалий ишлар муҳокама қилинди.

Учрашув давомида мамлакатимизда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият қурилишининг барча тармоғида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган 80 дан ортиқ, шундан бевосита коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, шунингдек, "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари, "йўл хариталари" ва дастурлар доирасида бир қатор ижобий ютуқларга эришилаётганлиги таъкидланди. Бу жараёнда Олий Мажлиснинг юқори палатасида ташкил этилган Миллий кенгаш фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, муҳокамалар жараёнида "Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида"ги ҳамда "Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ҳақида сўз борди.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилда қабул қилинган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида коррупциядан холи мамлакат барпо этиш белгиланганлиги давлат идоралари, хусусан, парламент олдига бу борадаги ишларни амалга оширишда улкан масъулият юклагани қайд этилди.

Ўз навбатида, Даниэла Фелкман Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан яхши хабардор экани ва буни юксак қадрлашини айтиб ўтди.

Учрашув якунида парламент ҳамда Жаҳон банки ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## ТРАНСФОРМАЦИЯ САМАРА БЕРЯПТИМИ?

*Шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига, қурилиш материаллари саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 19,1 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш ўтган йилдагига нисбатан 108,2 фоизга етказилди.*

### Семинар

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида трансформация жараёнлари ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган семинарда қайд этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, илғор банк бизнесини юритиш, соҳада рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, трансформация жараёнларининг дастлабки босқичида банк фаолияти тўлиқ диагностикадан ўтказилди, бошқарув тизими халқаро талабларга мувофиқлаштирилди, тармоқлар фаолияти маҳсулот сотишга йўналтирилиб, ташкилий тузилма такомиллаштирилди ҳамда барча тармоқлар сотув каналларига айлантирилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишда ҳужжатлар расмийлаштируви соддалаштирилди. Жисмоний шахсларга кредит ажратиш муддати 10 кундан 3 кунгача, талаб этиладиган ҳужжатлар сони 10 тадан 2 тага қисқартирилди.

Депутатлар банк хизматларини рақамлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар борасидаги маълумотлар билан қизиқди.

Мутахассислар томонидан банк хизматлари билан бир қаторда онлайн бозорни ўзида бирлаштирган такрорланмас платформа — "JOYDA" иловасига тўхталиб, бугунги кунда мижозлар ушбу илова орқали барча турдаги анъанавий банк хизматларидан онлайн тарзда самарали фойдаланиб келаётгани таъкидланди.

Семинарда, шунингдек, Президентимиз томонидан давлат дастурлари борасида банк зиммасига юкланган вазифалар ва уларнинг ижроси тақдимот қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МАНБА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Давлат активларини бошқариш агентлигининг давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2021 йилдаги фаолияти натижадорлиги ва давлат мулкидан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги илк йиғма ҳисоботи эшитилди.*

### Йиғма ҳисобот

Таъкидланганидек, йиғма ҳисобот шакли халқаро молия институтлари ва хорижий экспертлар билан ҳамкорликда корпоратив бошқарувнинг илғор халқаро тажрибасига, хусусан, Швеция, Норвегия, Финляндия, Янги Зеландия, Латвия давлатларининг ҳисоботларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳисобот давлат корхоналари тўғрисидаги йиллик жамланган маълумот бўлиб, уларнинг бошқарув тузилмаси, фаолияти натижалари, молиявий ривожланиши ва ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар билан танишиш имконини беради. Шунингдек, йиғма ҳисобот давлат иштирокидаги корхоналар ҳақидаги маълумотлардан ташқари, умуман, Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолияти, давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари ҳақидаги муҳим маълумотларни ўз ичига олган.

Ҳисобот билан танишувчилар давлат иштирокидаги корхоналарга давлат томонидан кўрсатилган ёрдам, солиқ имтиёзлари, Давлат бюджетига тўлаган солиқ ва мажбурий тўловлари, давлат корхоналарининг ялпи ички маҳсулотдаги, шу жумладан, экспорт, асосий капиталга инвестициялар ва ишлаб чиқаришдаги салмоғи тўғрисидаги маълумотларни топиши мумкин.

Тақдим этилган маълумотга кўра, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 минг 144 тани ташкил қилган. Шундан 231 таси акциядорлик жамияти, 871 таси масъулияти чекланган жамият, 1 минг 42 таси давлат унитар корхонаси шаклида. Булар бўйича умумий бошқарув 72 та вазирлик ва идора зиммасида.

2021 йилда корхоналарнинг жами активлари қиймати 543,2 трлн. сўм, даромадлари эса 287,5 трлн. сўм бўлиб, 32,1 трлн. сўм соф фойда кўрган, шу билан бирга, 335 та корхона ўз фаолиятини 8,9 трлн. сўм зарар билан якунлаган. Корхоналар томонидан Давлат бюджетига 52,7 трлн. сўм солиқ ва 13,9 трлн. сўм дивиденд (ажратма) тўланган бўлиб, Давлат бюджети даромадининг 40,5 фоизини ташкил қилган. Ҳисобот даврида давлат иштирокидаги корхоналарда жами 575,6 минг нафар ходим фаолият юритиб, улар жами банд аҳолининг 4,2 фоизига тенгдир.

Ҳисоботда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси билан белгиланган топшириқлар ижроси тўғрисида маълумотлар ҳам келтирилган.

Йиғилишда Давлат мулкини бошқариш, жумладан, уни ижарага бериш ва сотиш ҳамда стратегия тўғрисидаги кенг қамровли мазкур йиғма ҳисобот жамоатчилик ва мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритиш ниятида бўлган инвесторлар учун фойдали манба бўлиши қайд этилди.

Шунингдек, давлат органларининг очиқлиги ва шаффофлиги улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро аренадаги обрўсини кўтариш ва коррупцияга барҳам беришда хизмат қилиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6